

**ТЕМИР ДАФТАРГА КИРИТИЛГАН АЁЛЛАР БИЛАН
ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА
ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ РОЛИ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси фаолияти

кафедраси ўқитувчиси, майор

Оразбаева Аселъя Мустапа қизи

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти

ихтисослиги бўйича

таълим олаётган 3-ўқув курси

332-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация:

Мақолада профилактика инспекторининг маҳаллаларда ижтимоий ва психологик муаммоларни бартараф этишдаги роли таҳлил қилинган. Инспекторнинг ҳуқуқий ва психологик билимлари орқали эҳтиёжманд оилалар ва шахслар билан ишлаш, ижтимоий хавфларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш, жамоат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш самараси кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, психологик ёрдам, ижтимоий профилактика, маҳалла, ҳуқуқий ҳимоя..

Аннотация:



В статье анализируется роль инспектора по профилактике в устранении социальных и психологических проблем в махаллях. Рассмотрена эффективность работы с нуждающимися семьями и лицами, раннего выявления и устранения социальных рисков, обеспечения общественной безопасности и социальной стабильности посредством правовых и психологических знаний инспектора.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, психологическая помощь, социальная профилактика, махалля, правовая защита..

“Темир дафтар” — ижтимоий аҳволи оғир, турмуш шароити мураккаб ва алоҳида назоратда бўлиши зарур бўлган оилаларни қайд этиш ва уларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш мақсадида яратилган ягона маълумотлар базаси бўлиб, уни юритиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 313-сон қарори билан тартибга солинади.

Темир дафтарга қуйидаги тоифадаги оилалар киритилади:

- кам таъминланган оила, деб эътироф этилган **оилалар;**
- ижтимоий ёрдамга муҳтож **I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган** аъзолари мавжуд оилалар;
- кам таъминланган **якка-ёлғизлар** ва кексалар;
- боқувчисини йўқотган **эҳтиёжманд оилалар;**
- **кўп** (4 ва ундан ортиқ) **фарзандли** моддий кўмакка муҳтож оилалар;
- меҳнатга лаёқатли **ишсиз аъзолари** мавжуд эҳтиёжманд оилалар;
- **тиббий ёрдамга** муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи

белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);

- нотузар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг **номида турар жой бўлмаган** эҳтиёжманд оилалар

Бунда, агар юқоридаги тоифаларга мос келадиган оилаларнинг аъзолари мос равишда **«Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларига ҳам киритилган бўлса**, ушбу оилалар рўйхати «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларида юритилади.

Профилактика инспектори маҳаллаларда эҳтиёжманд оилалар ва шахслар билан ишлашда асосий роль ўйнайди. Унинг вазифаси нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки ижтимоий шароит ва ҳавф омилларини аниқлаб, уларни бартараф этиш, шунингдек, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Профилактика инспектори маҳаллаларда эҳтиёжманд оилалар ва шахслар билан ишлашда асосий роль ўйнайди. Унинг вазифаси нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки ижтимоий шароит ва ҳавф омилларини аниқлаб, уларни бартараф этиш, шунингдек, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Шу нуқтаи назардан, профилактика инспекторининг фаолияти жамиятдаги ижтимоий ва психологик муаммоларни бартараф этиш билан ҳам боғлиқ. 2024 йил 5 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги ЎРҚ-989-сон Қонуни психологик ёрдам тушунчаси ва унинг турлари, шакллари белгилайди. Психологик профилактика танг (кризисли) вазиятларни олдини олиш ва шахснинг руҳий саломатлигига таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида амалга оширилади. Шу боис, профилактика

инспектори маҳаллаларда нафақат ҳуқуқий, балки психологик билим ва кўникмалардан фойдаланиб, ижтимоий хавфларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.

Инспекторнинг фаолияти қуйидаги соҳаларда аҳамиятли:

- Ижтимоий профилактикаси бўйича: Ёрдамга муҳтож оилалар билан ишлаш орқали муаммоларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш.

- Ҳуқуқий ҳимоя чоралари бўйича: Аёллар ва оила аъзоларини тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, зарур ҳуқуқий воситаларни қўллаш.

- Аҳоли ва ички ишлар органлари ўртасида ишончни мустаҳкамлаш бўйича: Инспекторнинг фаол ёрдами аҳолининг ички ишлар органларига бўлган ишончини оширади.

- Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича: Ёшларни радикал таъсир ва жиноятчиликдан муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий қимматлар

ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш.

Профилактика инспектори маҳаллаларда ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан аҳолига кўмаклашиш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлайди ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2025 йил 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир ишлар сарҳисоби ва келгуси йил устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таъкидланишича, маҳаллама-маҳалла юриб, янги ташаббусларни аниқлаб, одамлар ҳаётини яхшилаш учун вилоят ва туман ҳокимлари ҳамда улар ходимларининг моддий ва техник имкониятлари сезиларли даражада яхшиланди.

Жорий йил бошидан ишсизлик 4,9 фоизга тушди (ўтган йили 5,5 фоиз). Айниқса, Бухоро, Когон, Навоий, Зарафшон, Ғозғон, Самарқанд ва



Ширин шаҳарларида ишсизлик 4 фоиздан пастга тушиб, илк бор “табiiй ишсизлик” даражасига яқинлашди. Бундан ташқари, бир ойда аниқ “йўл харитаси”ни тузиб, ишни бошлаб юборган ҳокимларга ҳар бир кўча инфратузилмаси учун 4 миллиард сўмгача маблағ ажратилиши белгиланди.

Профилактика инспекторнинг маҳалладаги фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига қарайдиган бўлсак:

- Икки томонлама ёндашув бўйича: Ижтимоий ёрдамчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакили сифатида мақсадли чоралар белгилаш.
- Проактив ва таҳлилий фаолият бўйича: Муаммоларни олдиндан прогноз қилиш ва масъул идораларга тақдимнома киритиш.
- Бевосита ҳимоя чоралари бўйича: Зўравонлик ёки тазйиқ ҳолатларида ҳимоя ордери бериш.
- Коллегиал қарорларда иштирок қилиш бўйича: Моддий ёрдам ёки субсидия ажратишда оиланинг ижтимоий ҳолати ва ҳуқуққа мойиллигини ҳисобга олиш.

Шу тариқа, профилактика инспектори маҳаллаларда аёллар ва эҳтиёжманд аҳоли билан ишлашда психологик билимлар, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам орқали жамоат хавфсизлигини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, профилактика инспектори фаолиятининг психологик ва ижтимоий аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан. Ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан кураш: Ишсизлик, кам таъминланганлик ва оилавий келишмовчиликлар каби ижтимоий муаммолар кўпинча ҳуқуқбузарликларга олиб келади. Профилактика инспектори эҳтиёжманд аҳоли билан тизимли ишлаб, жиноятчиликнинг сабабларига таъсир кўрсатади, яъни оқибатлар билан эмас, асосий илдизлари билан курашади.

Иккинчидан. Ишончни мустаҳкамлаш: Инспектор “маҳалла еттилиги” таркибида аҳолининг муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок

этиши орқали ички ишлар органларига бўлган ишончни оширади. Бу эса “Халқпарвар давлат” ғоясини амалда рўёбга чиқаришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Учинчидан. Ижтимоий барқарорлик ва хавфларни камайтириш: Эҳтиёжманд қатлам билан ишлаш орқали инспектор жамиятдаги ижтимоий кескинликни камайтиради, турли ёт ғоялар таъсири остида қолиши мумкин бўлган шахсларни аниқлайди ва улар билан мақсадли иш олиб боради. Бу жамоат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда юқори самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур мавзудаги билим ва кўникмалар профилактика инспекторларига нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-психологик билимларини мукаммаллаштириш, замонавий хизмат вазибаларини самарали бажаришда ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтгани “Темир дафтар”га киритилган аёллар билан профилактик ишларни ташкил этишда психологик билимлар муҳим аҳамиятга эга. Профилактика инспектори психологик билим ва кўникмалардан фойдаланиб, аёлларнинг руҳий ҳолатини баҳолайди, ижтимоий ва психологик хавфларни олдиндан аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини белгилайди. Бу жамиятда ижтимоий барқарорлик ва аёлларнинг ҳуқуқий ва психологик ҳимоясини таъминлашда самарали восита ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.

5. 2024 йил 5 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги ЎРҚ-989-сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 313-сон қарори.
8. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2025 йил 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир ишлар сарҳисоби ва келгуси йил устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқи.

